

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТЧИЛИГИНИ ПАСАЙТИРИШ,  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ**

Абдужаббаров Джалалиддин Кадиорович

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Коррупцияга қарши ички назорат бошқармаси бош мутахассис

+99890 977 00 46

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада муаллиф коррупциявий қилмиш тушунчасига турлича ёндашувларни таҳлил қилади, “коррупциявий қилмиш” ва “ҳуқуқбузарлик” тушунчалари белгиларини, бундан ташқари, коррупция жиноятлари шакллари, кўринишлари ҳақида сўз боради. Бундан ташқари, мақолада коррупцияга қарши курашга оид айрим халқаро ҳуқуқий стандартларнинг талаблари тавсифланган. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида коррупцияга қарши курашиш учун тизимли чоралар кўриш юзасидан қонунчиликка киритилаётган ўзгаришлар хусусида фикр юритилиб, тегишли хулоса ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** коррупция, коррупциявий ҳуқуқбузарлик, жиноят, профилактика, халқаро стандартлар, юридик шахслар.

**МЕРЫ ПО СНИЖЕНИЮ, КОНТРОЛЮ И ПРЕДУПРЕЖДЕНИЮ КОРРУПЦИОННОЙ  
ПРЕСТУПНОСТИ В СФЕРЕ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ**

Абдуджаббаров Джалалиддин Кадырович,

Министерство здравоохранения Республики Узбекистан

Главный специалист Отдела внутреннего антикоррупционного контроля

+99890 977 00 46

**АННОТАЦИЯ**

В статье автором анализируются различные подходы к понятию коррупционного деяния, рассматриваются признаки понятий "коррупционное деяние" и "правонарушение", помимо этого, изучены формы и проявления коррупционных преступлений. Также в статье определены некоторые требования международных правовых стандартов касательно борьбы с коррупцией. При этом рассмотрены новации, вносимые в национальное законодательство в рамках системных мер по борьбе с коррупцией в сфере здравоохранения, представлены соответствующие выводы и рекомендации.

**Ключевые слова:** коррупция, коррупционное правонарушение, преступление, профилактика, международные стандарты, юридические лица.

**MEASURES TO REDUCE, CONTROL AND PREVENTE CORRUPTION CRIME IN THE SPHERE OF  
HEALTHCARE**

Abdujabbarov Jalaliddin Kadyrovich,  
Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan  
Chief Specialist, Internal Anti-Corruption Control Department  
+99890 977 00 46

**ANNOTATION**

In this article, the author analyzes various approaches to the concept of corruption, examines the characteristics of the concepts of "corruption" and "offense," and examines the forms and manifestations of corruption crimes. The article also identifies certain requirements of international legal standards regarding the fight against corruption. Innovations introduced into national legislation as part of systemic measures to combat corruption in the healthcare sector are also examined, and relevant conclusions and recommendations are presented.

**Keywords:** Corruption, corrupt offense, crime, prevention, international standards, legal entities.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли тизимли ислохотлар жамиятда қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлиб, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Бироқ, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди. Чунончи, шахс ҳамда жамият манфаатларини янада самаралироқ ҳимоя қилиш, коррупциянинг олдини олишнинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш эҳтиёжини вужудга келтирди.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур”. Албатта, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан кучли жамоатчилик назоратини амалга ошириш фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Чунки, айнан фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ ёки лоқайд эмаслиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчисининг ўз фаолиятининг жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиб бориши демократик-ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир. Шу билан бир қаторда коррупцияга қарши курашишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ҳодимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбияни кучайтириш давр талабидир. Зеро, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти етук бўлган фуқаролар коррупцияга йўл қўймайдилар.

Шу сабабли ҳам биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, яъни, унинг ҳуқуқ-тартибот идоралари устидан ҳам жамият, жумладан, сиёсий партиялар ва депутатлар назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Ана шунда коррупцияга қарши кураш изчил ва тизимли равишда амалга оширилади.

“Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий етуклик кўрсаткичидир. Фуқароларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини юксалтирмасдан туриб амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигига эришиб бўлмайди”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, яъни конституциявий саводхонлик шахс ҳуқуқий онгини шакллантиришда муҳим омил эканлиги сабабли ушбу соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари тизимли ўрганишни талаб этади.

Айнан шунинг учун ҳам шахс ҳуқуқий онгини шакллантириш орқали мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ислохотларни тўғри англаш, уларга мослашишга эришилади.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимини коррупциядан ҳоли соҳага айлантириш, коррупциявий ҳолатларга барҳам бериш, тизимга очиқлик ва шаффофлик принципларини жорий қилиш, коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияни вужудга келиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Фуқароларда ҳуқуқий маданиятни ошириш ҳамда жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган превентив чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизими ходимларида коррупцияга қарши курашиш маданиятини шакллантириш ва уларнинг ушбу соҳадаги билимини ошириш мақсадида “Соғлиқни сақлаш ходимлари учун коррупцияга қарши курашишга оид эслатма” тайёрланиб, тизим ходимларига тарқатилди. Тизимдаги коррупцияга оид ҳолатлар ҳақида тезкор хабар бериш учун “1203” қисқа рақамли «ишонч телефони» - Call-марказ ташкил этилди [1].

Бироқ, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги маълумотига кўра, Андижон, Бухоро, Самарқанд вилоятларида ўтказилган ўрганишлар давомида даволаш профилактика муассасаларида ажратилган штат бўйича мутахассислар билан таъминланиш ҳолати, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, моддий-техника базаси, беморларга яратилган шароитлар, бепул хизматдан фойдаланиш даражаси, дори-дармонлар билан таъминланганлиги, тиббиёт ходимлари томонидан тамагирликка йўл қўйилиш ҳолатлари, ишга қабул қилиш тартиби каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Ўрганиш натижаларига кўра бир қатор тизимли муаммолар аниқланди.

Жумладан,

1. Тиббиёт муассасаларида бўш (вакант) иш ўринлари мавжуд бўлишига қарамай шифокорлар билан, айниқса тор доира мутахассислари билан таъминланиши етарли даражада эмас. Мавжуд бўш лавозимларга (вакансия) оид маълумотларни вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш ва очиқ эълон қилиш тартиби йўлга қўйилмагани коррупциявий хавф ва фирибгарлик ҳолатларини келтириб чиқаришига шароит яратмоқда. Ишга киришга номзодларга талаблар, танлов ўтказиш тартиби аниқ белгиланмаган ва ишга жойлашиш истагида бўлган мутахассис кадрларнинг ягона маълумотлар базаси шакллантирилмаган.

2. Тиббиёт соҳасида ўрта маълумотли кадрларни мақсадли тайёрлаш тизими тўғри прогнозлаштирилмагани туфайли ўрта махсус маълумотли кадрларнинг республикада мавжуд штат бирликларига нисбатан номуносиват тарзда кўплиги юзага келган. Яъни, ҳамширалар сони мавжуд иш ўринларига нисбатан бир неча баробар ортиб кетгани сабабли ўрта тиббий

маълумоти бўйича дипломга эга кўплаб ёшларни иш билан таъминлашда муаммолар юзага келиб, чекланган сондаги штатларга ишга киришда коррупцион хавф-хатарни юзага келтирмоқда.

3. Ҳозирда шифокор ва ҳамширалар меҳнатига ҳақ улар эгаллаб турган штат бирлиги асосида тўланмоқда. Яъни, иш ҳақи иш ҳажми эмас, штат бирлиги асосида соатбай тўланиши сабабли иш ҳажми турлича бўлган ходимларга деярли бир хил маош тўланмоқда. Мавжуд ҳолат, ўз ишини сифатли бажарадиган ходимларнинг иш юкмаси ортсада, уларга адолатли иш ҳақи тўланмаслиги, натижада ходимлар ўртасида носоғлом муҳит ҳосил бўлишига олиб келмоқда. Бу эса беморларнинг сарсон бўлишига ёки уларга нисбатан таъмагирлик содир этилишига олиб келмоқда.

4. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг умумий тартибда молиялаштирилиши натижасида тиббиёт муассасаларининг раҳбарлари томонидан бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланиши, турли коррупцион йўллар билан ўзлаштириш ҳолатлари тез-тез кузатилмоқда. Бу эса соҳага ажратилаётган маблағларнинг фуқароларга тўлиқ етиб боришига ҳар доим ҳам имкон бермаяпти.

5. Бутун дунё мамлакатларида хусусан юртимизда ҳам соғлиқни сақлаш харажатлари йилдан йилга ортиб борапти. Ушбу маблағларнинг катта қисми самарали эканлиги илмий далиллар билан асосланмаган дори воситалари ва тиббий жиҳозларни харид қилишга сарфланади. Шунингдек, бир хил кимёвий таркибдаги дори воситаларининг қиммат аналогларини турли коррупциявий йўллар орқали бир неча баробар қиммат нархларда харид қилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

6. Соҳада замонавий инфорацион технологияларни жорий этиш бошланган бўлсада, бир неча йилдан буён ушбу масалада жиддий силжиш кузатилмаяпти. Натижада, фуқароларнинг ҳамда тизимда фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг ўринли эътирозларига сабаб бўлувчи ноқулайликлар ҳали ҳам бартараф этилмагани кузатилмоқда. Жумладан, электрон поликлиника, электрон тиббий карта, электрон касаллик тарихи, шифокор қабулига электрон навбатга ёзилиш ва шу каби бошқа замонавий инфорацион технологияларни тизимга тўла жорий этилишининг кечикиши соҳадаги коррупцион хавфларни пасайтиришга имкон бермаяпти [1].

Бу борада давримизнинг мазкур хавfli иллатига қарши курашнинг самарасизлиги сабабларини аниқлаб олиш муҳимдир. Муҳим сабаблардан бири шундаки, Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш бўйича қонунчилик базаси ҳозирги вақтда эндигина ишлаб чиқилмоқда.

Коррупцияга қарши кураш чора-тадбирларини ҳуқуқий таъминлашда “коррупция” тушунчасига амалдаги қонун ҳужжатларининг биронтасида ҳам таъриф берилмаганлиги бугунги кунда энг катта муаммо туғдирмоқда. Ҳолбуки, мазкур иллатга қарши кураш чора-тадбирларининг аниқ чегараларини ўрнатиш учун коррупцияга ҳуқуқий таъриф бериш зарур. У шунингдек қайси жинойий қилмишларни коррупция хатти-ҳаракатлари қаторига киритиш лозимлигини, коррупция ҳаракати сифатида тан олинган жинойий қилмишларнинг қайсилари учун бошқа жавобгарлик турлари – маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий, интизомий жазолар назарда тутилиши лозимлигини тушунишни енгиллаштиради.

Коррупцияга қарши кураш самарадорлиги ҳақида сўз юритилганда, авваломбор курашнинг мақсадини аниқлаб олиш муҳимдир. Қарши кураш реал ҳолатга асослангандагина ўзининг

самарадорлигини кўрсатади. Фикримизча, коррупцияга қарши курашнинг мақсадини аниқлашда, умумий (бош мақсад) ва аниқ вазиятга асосланган (муайян муддат ичида) мақсадга ажратиш мумкин.

К.Фридрихнинг қарашларига кўра [2], коррупцияни йўқ қилишни вазифа сифатида белгилаш мумкин эмас, яъни бу утопия ҳисобланади. Унга қарши курашдаги асосий вазифа коррупцияни сиёсий тизимга ёйилишини, издан чиқаришини олдини олишга қаратиш лозим деб изоҳлайди. Бизнингча ҳам коррупцияга қарши курашиш коррупция даражасини ва унинг ижтимоий хавфлилигини пасайтиришни кўзловчи, шунингдек унинг детерминантларини бартараф этиш ва йўқ қилишга қаратилган мураккаб тизимдан иборат фаолиятдир. Ушбу фаолият коррупцияни мутлақо йўқ қилиш имконига эга эмас. Бироқ, шунга қарамасдан, уни давлат, жамият ва фуқаролар ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган ижтимоий мақбул даражага тушириш мумкин.

Россиянинг “ИНДЕМ” маркази директори Г.Саттаров [3] коррупцияга қарши курашни мураккаблигини барча амалга оширилаётган кураш чора-тадбирларининг тизимга солинмаганлиги ва мувофиқлаштирилмаганлиги билан боғлиқлигини таъкидлайди. Бир қатор давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш қонунчилиги таҳлил қилинганда, ушбу қонунларда “Коррупцияга қарши курашиш” атамасига таъриф мустаҳкамланганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, Россия Федерациясининг 2008 йил 25 декабрдаги “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Федерал қонунида [4], шунингдек, Қозоғистон Республикасининг 2015 йил 18 ноябридаги “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги [5] Қонунида 1-моддасининг ўзидаёқ “коррупцияга қарши курашиш” атамасига таъриф берилганлигини кўришимиз мумкин.

Амалдаги қонунчилигимизда “коррупция билан боғлиқ жиноятлар” таърифланмагани каби, “коррупцияга қарши курашиш” атамаси ҳам ёритиб берилмаган. Ваҳоланки, қонуннинг 5-7-моддаларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ҳамда Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига бағишланган.

Коррупция, унинг содир этилиш сабаб ва шарт-шароитлари ҳамда ушбу турдаги жиноятларни профилактика қилиш муаммоларини илмий тадқиқ қилган бир қатор олимлар коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикасини турлича таснифлашган. Хусусан, В.К.Максимов [6] коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикасини икки гуруҳга ажратишни таклиф этган, яъни умумий ва махсус профилактика.

Умумий профилактика учун аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш ва давлатнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, шунингдек хуфёна иқтисодиётнинг таркибий қисмини қисқартириш талаб тилади. Шу билан бирга, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, давлат ҳокимиятининг барча соҳаларини мустаҳкамлаш йўли билан ҳақиқий демократия даражасига эришиш билан боғлиқ сиёсий ўзгаришлар амалга оширилиши керак.

Махсус профилактика бу соғлиқни сақлаш тизимида коррупциянинг олдини олувчи чора-тадбирлар йиғиндиси, яъни соҳадаги органлар ва ушбу органларнинг ваколатлари бажарилишини таъминлаш функциясини бажарувчилар ходимлар ўртасидаги чора-тадбирлар йиғиндиси, бўлиб улар қуйидагилар:

- ижтимоий-иқтисодий хусусиятдаги, яъни мансабдор шахсларнинг оддий фаровонлиги ва ижтимоий таъминланганлигини ошириш билан боғлиқ;

- ташкилий хусусиятдаги, яъни мансабдор шахсларининг хизмат ўташ тартиби, ходимларни танлаш ва жойлаштириш, коррупцияга қарши курашиш фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятини ташкиллаштириш билан боғлиқ бўлган;

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш билан боғлиқ хусусиятдаги, яъни, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга коррупцияга қарши курашишга йўналтирилган қонунлар ва бошқа норматив-ҳужжатларнинг мажбурий криминологик экспертизасини жорий этишни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ва янгиларни қабул қилиш йўли билан такомиллаштириш.

Бизнингча, соғлиқни сақлаш тизимида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий сайтида тизимдаги барча вакант ўринлар ва уларга қўйилган талабларни мажбурий тарзда очиқ эълон қилинишини йўлга қўйиш. Бунинг натижасида очиқ ва шаффоф механизм яратилиб, коррупция хавфи пасайишига эришилади.

2. Келгуси ўқув йиллари учун ўрта махсус тиббиёт ходимларини тайёрлайдиган тиббиёт коллежларига ажратиладиган қабул квоталари сонини мавжуд эҳтиёждан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш.

3. Тиббиёт ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш, тизимда ўзаро соғлом рақобат муҳитини юзага келтириш ҳисобига соҳа ривожланишига эришиш, шунингдек соҳада бозор механизмларини жорий этиш йўли билан иқтисодий самарадорликни ошириш, ажратилган бюджет маблағларининг талон-тарож этилишини олдини олиш мақсадида тиббиёт ходимларига бажарилган иш ҳажмидан келиб чиқиб иш ҳақи тўлаш тизимида ўтиш мақсадга мувофиқ. Бунда бажариладиган ҳар бир амалёт учун хизмат ҳақи белгиланади ва кўпроқ меҳнат қилган ходимлар кўпроқ моддий манфаатдорликка эга бўлади. Натижада, беморларнинг сарсон бўлишига йўл қўйилмайди ва тиббий хизмат сифати ҳам ўсади. Шунингдек, тизимда кўп кузатиладиган, бюджет маблағларининг талон-тарож этилишига сабаб бўлувчи “ўлик жонлар” иллатига ҳам барҳам берилади.

4. Соғлиқни сақлаш тизимини (муассасаларни) молиялашда аҳоли жон бошига молиялаштириш тизимида ўтиш. Бунинг натижасида, тизимда ўзаро соғлом рақобат юзага келиши ва тиббий хизмат сифати ўсиши билан бир қаторда, бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфлаш, ўзлаштириш ёки талон-торож этилишига нисбатан кучли жамоатчилик назорати ҳам ўрнатилади.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган диагностика ва даволаш стандартларини илғор ҳорижий тажрибадан келиб чиқиб “Далилларга асосланган тиббиёт” (Evidence-based medicine) тамойиллари асосида қайта кўриб чиқиш ва самарали эканлиги клиник синовлар орқали илмий далиллар билан асосланмаган дори воситалари ва тиббий жиҳозларни диагностика ва даволаш стандартларидан чиқариб ташлаш. Стандартларни ишлаб чиқишда дори воситаларининг тижорий номларидан фойдаланишга йўл қўймаслик.

6. Соҳада замонавий информацион технологияларни жорий этиш бўйича бошланган ишларни тўлиқ қайта инвентаризациядан ўтказиш ва соғлиқни сақлаш тизимидаги барча муассасалар фаолиятни ўзига қамраб олувчи, соҳа ходимлари ва фуқаролар учун қулай бўлган, илғор ҳорижий тажрибаларни ўзида акс эттирган ягона электрон платформа (база) стратегиясини

ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш муддатларини аниқ белгилаш. Соҳада замонавий инфорацион технологияларни жорий этишни бирламчи вазифа деб белгилаш. Бунинг натижасида тизимда юзага келаётган кўплаб коррупцион омилларнинг бартараф этилишига эришилади.

Коррупцияни олдин олиш бўйича замонавий ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина ҳолатларда ижтимоий бошқарув соҳасидаги коррупция билан боғлиқ фаолият асосан уни содир этувчи ҳуқуқбузар ва унинг тўғридан-тўғри жабрланувчиси шртасидаги муносабатлар доирасида юзага келади. Бироқ масаланинг муаммоли томони шундаки, ҳар икки субъект мазкур ҳолат бўйича муайян сабабларга кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермайди. С. Роуз Аккерман ва Ш.Р. Қобиловларнинг фикрича «Коррупцион муносабатларда пора олувчи ва пора берувчининг иккиласи ҳам ютади, бироқ давлат зарар кўради [7]. Коррупцион ҳаракатдан ҳар икки субъектнинг манфаатдорлиги унинг латент бўлиб қолишига замин яратади.

Ўтказилган сўровда “Коррупцион жиноят домига тушиб қолишингизга нима сабаб бўлган?” деган саволга респондентларнинг 9 фоизи ваколатли органларга мурожаат қилиш ортиқча сарсонгарчилик ҳамда вақт талаб қилишини олдиндан билганлигим учун, 12 фоизи иш ёки муаммонинг тез ва осон ечим топишидан манфаатдор бўлганлиги учун, 14 фоизи давлат органларига жуда кўп мурожаат қилганлигини, бироқ иши битмагач тез ва осон йўллари излашга мажбур бўлганлигини, қолган 65 фоизи коррупцион жиноятдан жабрланмаганлигини билдиришган. Демак, коррупцион жиноятларнинг латентлиги жабрланувчиларнинг коррупцион ҳулқ-атворини шакллантирувчи виктим омилларга боғлиқ.

Коррупцияга қарши курашда маънавият масаласи очиқ қолмоқда. Яъни маънавий олами бой инсонни тарбиялаш коррупцияга қарши курашда энг таъсирчан усуллардан биридир. Шу боис мактабларда, олий таълим ва ундан кейин, айниқса, коррупцияга қарши курашиш тизими учун кадрлар захирасини шакллантиришда маънавият дарсларини кенг йўлга қўйиш айтиш мумкин. Зеро, тамагирлик маънавиятсизликнинг ёрқин бир кўриниши эканини ўсиб келаётган ёш авлод қалбига чуқур сингдириш лозим.

Маънавий-руҳий характердаги омиллар:

одамлар орасида давлатга ишончсизликнинг ривожланиши;

келажагидан хавотирланиши ва қўрқиш ҳолатининг мавжудлиги.

Коррупцион ҳуқуқбузарликларни содир этилишида жабрланувчи шахслар билан боғлиқ бўлган виктим омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган самарали тизимни яратиш ҳамда бу борадаги ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини ташкил этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қаторида асосий субъект сифатида ички ишлар органларининг фаолиятини юқори даражада ташкил этишга хизмат қиладиган механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни тақозо этади.

Ички ишлар органларининг коррупцион ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини амалга оширишдаги муаммолар:

– қонунда ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси мазмун ва моҳияти очиб берилиб, аниқ чора-тадбирлар белгиланган бўлсада, ички ишлар органлари томонидан амалга оширилаётган фаолият аниқ ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасига йўналтирилмаган;

– амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ички ишлар органлари ходимлари ҳамма вақт ҳам жабрланувчи шахсини ўрганишга эътибор қаратишмайди. Бундай ҳолатларни улар томонидан кўпинча, коррупцион ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар билан профилактик ишлар амалга оширилади. Ваҳоланки, кўпгина ҳолатларда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишида жабрланувчилар билан ҳуқуқбузарлар ўртасида қандайдир боғлиқлик сабаб бўлади. Бошқа бир ҳолатда ички ишлар ходимларининг жабрланувчилар билан профилактик ишларни амалга оширишда шахсга оид маълумотларни таҳлил қилиш методларини билмасликлари билан ҳам изоҳланади.

– коррупцион ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси жиноятчиликка қарши курашнинг энг асосий йўналиши деб эътироф этилаётган бўлсада, унинг мустақил тарзда амалга оширилишига келганда умумий, махсус ҳамда яқка тартибдаги профилактика жараёнида амалга оширилиб келинаётганлиги кузатилмоқда (Ўтказилган суровда иштирок этган профилактика инспекторларининг 90 фоизи мазкур фикрни тасдиқлашган);

– коррупцион ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси субъектларининг ички ишлар органлари билан ҳамкорлигини ташкил этишда муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашишни самарали таъминлашга қаратилган куч-воситалари ҳамда усул ва методлари амалда тўлиқ мақсадга йўналтирилмагандир;

– ички ишлар органларининг ахборот марказида ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳисоби юритилиши лозим. Бироқ бугунги кунга қадар бундай турдаги ҳисобларнинг юритилиши йўлга қўйилмаган. Натижада жабрланувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари, ҳулқ-атвори билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинмай қолмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 10-моддасида ички ишлар органларининг энг асосий вазифаси сифатида ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларнинг ҳисобини юритиш ҳамда мазкур маълумотларнинг таҳлилин амалга ошириш назарда тутилганлигини ҳам унутмаслик лозим.

– суриштирув органларининг энг асосий эътибори коррупцион жиноят ва уни содир этган жиноятчига қаратилиб, жабрланувчилар билан боғлиқ масалалар очиқлигича қолмоқда.

Тўғрироғи жиноятларнинг келиб чиқиш сабаб ва шароитларини ўрганишда жабрланувчилар билан боғлиқ бўлган ҳамда жиноят содир этилишига туртки берувчи виктимоген омиллар таҳлил қилинмаяпти. Чунки кўп ҳолларда айнан жабрланувчиларнинг ҳулқ-атвори жиноятнинг содир этилишига кўмаклашувчи омил сифатида баҳоланади.

Тўпланган ахборотлар ва уларни ўрганиш потенциал жабрланувчилар тоифаларига аниқлик киритишга хизмат қилади. Сўзсиз, бу тоифа шахсларни аниқлаш ўзи билан оғир вазифа юклайдики, чунки аксарият ҳолларда жиноий хатти-ҳаракатдан жабрланганларнинг кўпчилиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилмайди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида коррупцион ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасида қуйидагиларни амалга ошириш самара беради:

коррупцион ҳуқуқбузарликлар содир этилишида жабрланувчилар ролини камайтириш, виктимологик профилактикани доимий такомиллаштириб бориш, ушбу жараёнларда ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларни фикрларини ўрганиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти натижаларини инобатга олиш.

фуқароларни коррупцион ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш ҳолатлари бўйича мурожаатлар таҳлилини мунтазам амалга ошириб бориш ҳамда жабрланувчиларнинг қатъий равишда ҳисобга олинишини таъминлаш, уларнинг натижаларини ҳар чоракда муҳокама қилиш ва умумлаштириб бориш;

соҳада коррупцион ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси бўйича услубий-методик тавсиялар, эслатмалар, буклетлар, ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

соҳадаги коррупциявий ҳуқуқбузарликлар профилактикаси дастурининг бажарилишини мониторинг қилиш, унинг бажарилиши бўйича маълумотнома тайёрлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясига тақдим этиш.

Б.Ходжаевнинг фикрича эса, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [8]:

Биринчи йўналиш – коррупцияга қарши курашнинг превентив чоралари самарадорлигига эришиш. Мазкур йўналишга кўра, коррупцияни олдини олишнинг назарий пойдевори “таълим, хабардорлик ва тарғибот” (Education, Awareness and Advocacy) тамойилларига асосланиб, амалий томондан эса “самарадорлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик” (effectiveness, transparency, accountability) тамойиллари асосида аниқ давлат сиёсатини ишлаб чиқишдан иборат. Бу борада давлат сиёсати дунёда (хусусан, Сингапурда) “one size fits all” (“барча учун бир хил мезон”) модели асосида ишлаб чиқилиб, коррупцияга қарши курашнинг аниқ ҳуқуқий механизми, самарали институционал тузилмаси, молиявий ва меҳнат ресурслари билан доимий таъминлаб турилиши, мунтазам мониторинг фаолияти ҳамда ҳолис ва шаффоф баҳолаш тизими кўрсатилиш лозим.

Иккинчи йўналиш – коррупцияга қарши курашиш стратегиясида интергациялашган ёндашувни қўллаш. Бунда давлат органларининг фуқаролик жамиятининг барча институтлари билан ҳамжиҳат фаол ҳаракатини таъминлаш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишда миллий тузилмаларнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Бу борада Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида интеграцияга эришишга тўсқинлик қилаётган омиллардан бири – аниқ статистика ва мақбул далилларга асосланган маълумотга таянган ҳолда иш олиб бориш тизимининг мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Учинчи йўналиш – жамиятнинг ҳар бир соҳасида, хусусан, тадбиркорлик, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида коррупцияга қарши курашишни янада кучайтириш, коррупция билан боғлиқ айрим ҳатти-ҳаракатларни криминализациялаш ҳамда халқаро стандартларни тўлиқ ва тўғри қўллаш. Бу борада халқаро ҳужжатларда назарда тутилган “ноқонуний бойлик орттириш”, “учинчи шахсларнинг моддий манфаатларини кўзлаб таъмагирлик қилиш” каби ҳатти-ҳаракатларни криминализация қилиш масалаларини кўриб чиқиш вақти келди, деб ўйлаймиз.

Тўртинчи йўналиш – коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурининг бажарилиши. Бу борада мониторинг жараёнида самарали ҳуқуқий механизмнинг етарли эмаслиги, давлат хизматчиларининг этика қоидаларига риоя қилиш даражасининг пастлиги, давлат органлари фаолияти очиқлиги тамойилининг амалда номигагина ишлаётганлиги каби масалалар ҳал қилиниши лозим.

Ва ниҳоят, бешинчи йўналиш – коррупцияга қарши курашишнинг амонавий тенденцияларидан келиб чиқиб амалда реал ишлайдиган стратегияни ишлаб чиқиш. Замонавий тенденцияга кўра, коррупцияга қарши курашиш уч босқичда амалга оширилади: биринчи босқич – жамият аъзолари фаолиштирокини кучайтириш учун маълумотларни эркин олиш имкониятини яратиш; иккинчи босқич – янги технологиялардан фойдаланган ҳолда коррупция ҳолатлари ҳақида ахборот бериш ва олдини олиш; учинчи босқич – коррупцияга оид муаммоларни ҳал қилиш ва бартараф этишда жамоятчилик иштирокини таъминлашнинг аниқ тизимининг амалда ишлаши.

Криминолог олима А.И.Долгова [9] коррупцияга қарши курашни ташкиллаштиришнинг умумий босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олади дея таъкидлайди:

- а) коррупциянинг ривожланиб бориши ва унинг сабабларини доимий таҳлил қилиш;
- б) реал ҳолатдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий шароитларга, жамиятнинг ҳуқуқий маданиятига, ҳуқуқ-тартибот тизимига асосланган тарзда коррупцияга қарши кураш стратегияларини ишлаб чиқиш;
- в) қонунчиликни такомиллаштириб бориш;
- г) мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш;
- д) давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;
- е) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда коррупцияга қарши кураш билан шуғулланувчи мутахассис ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириб бориш;
- ж) фуқаролик жамияти институтлари, аҳоли, юридик шахсларнинг ёрдамидан фойдаланиш;
- з) мунтазам равишда амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш ва ўзгартиришлар киритиб бориш.

Шунингдек, баъзи манбаларда [10] коррупция билан боғлиқ жиноятларни профилактикасини такомиллаштиришда ушбу йўналишда ишлаб чиқилган ҳужжатлар ҳам ўз самарасини беради деган фикрдалар.

Коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга оширишда қуйидаги ҳужжатларни қабул қилиш керак деб ҳисоблашади, яъни:

- бюджет маблағлари ва донорлик ёрдамида маблағларни тақсимлаш жараёнини режалаштириш ва ушу соҳада устувор бўлган соҳаларни аниқлаштириш;
- ислоҳотларнинг аниқ ишлаб чиқилган йўл хариталарини тузиш;
- кенг жамоатчиликни жалб этиш ҳамда мазкур ислоҳотларнинг сиёсий устуворлиги, ютуқлари, муаммолари ва оқибатлари тўғрисида жамоатчиликнинг хабардорлигини оширишга қаратилган ҳужжатлар.

Истамбул Ҳаракатлар Режаси (ИҲР) аъзо давлатларининг коррупцияга қарши кураш сиёсати ҳуқуқни муҳофаза қилиш чоралари ва унинг оқибатларига эмас, аксинча ҳуқуқий ва институционал ислоҳотларга қаратилганлигини кўришимиз мумкин [9].

Буюк Британиянинг коррупцияга қарши кураш стратегияси ўрганилганда, мамлакатда 2017-2022 йилларга мўлжалланган “Коррупцияга қарши кураш бўйича” янги стратегия асосида олиб борилаётганлигини айтиш мумкин [9].

Ушбу стратегия 2017 йилнинг декабрида эълон қилинган бўлиб, унинг асоси сифати мамлакатда 2014 йилда Англия тарихида биринчи марта қабул қилинган “Коррупцияга қарши Ҳаракатлар режаси” хизмат қилган. Барча давлат органлари фаолиятини қамраб олган ва

коррупцияга қарши самарали курашнинг узоқ муддатли мақсадини белгилаётган ушбу стратегия коррупциянинг олдини олиш бўйича ҳукуматнинг йўл харитаси ҳичобланган.

Режада коррупцияга қарши курашда олти устувор йўналиш белгиланган:

чегаралар ва портлар каби иқтисодиётнинг коррупция юқори хавfli тармоқларида тизим ичидаги коррупцияни камайтириш; Буюк Британиянинг халқаро молиявий марказ сифатида обрўсини мустаҳкамлаш; давлат ва хусусий секторда касбий этикага риоя қилиниши кенг тарғиб қилиш; давлат эҳтиёжлари учун товарлар, ишлар ва хизматларни сотиб олишда ва грантларни тақсимлашда коррупцияни камайтириш; дунё бўйлаб ишбилармонлик муҳитини яратиш; коррупцияга қарши курашда бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилиш. Бизнингча, Ўзбекистон Республикасининг сиёсатидан келиб чиқиб мамлакатда коррупцияга қарши курашишда алоҳида устувор йўналишлар ва уларга мос равишда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгиланиб олиниши лозим.

Таҳлилчиларнинг фикрига кўра [9], коррупциянинг олдини олиш борасидаги давлат сиёсатининг яна бир усули бу мамлакатда доимий равишда коррупция даражасининг мониторингини олиб бориш ва баҳолаш механизмининг мавжудлигидир. Ўтказилган таҳлиллар натижасида кўпгина ИХРга аъзо давлатларнинг коррупцияга қарши кураш режаларининг бажарилишини назорат қилишнинг аниқ тартиби ўрнатилганлигини кўришимиз мумкин. Баъзи мамлакатларда ушбу режаларнинг бажарилиши устидан парламент назорати ўрнатилган (Украина, Мўғилистон).

Жумладан, Украинада, коррупциянинг олдини олиш бўйича миллий Агентлик коррупцияга қарши ислохотларнинг таъсирини мунтазам равишда баҳолаш учун методология ишлаб чиққан бўлса, Қозоғистонда коррупцияга қарши кураш сиёсати қандай амалга оширилаётганлигини баҳолаш учун Махсус мониторинг гуруҳи ташкил этилган. Ушбу гуруҳ аъзолари мамлакатнинг барча ҳудудларида бўлиб, давлат муассасалари, ташкилотларида кўрилган чора-тадбирлар таҳлилини олиб боришади ва уларга ўз тавсияларини бериб боришади. Латвияда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш Бюроси мамлакатда ушбу йўналишдаги стратегия доирасида ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун жавобгар ҳисобланади ва Вазирлар Маҳкамасига оралиқ ва якуний ҳисоботларни тақдим этади. Ўзбекистонда, эса коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминловчи орган сифатида республика Идоралараро комиссия фаолият юритмоқда.

Юқорида келтирилган қарашлар ва таҳлилларни инобатга олиб мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни жорий этиш таклиф этилади:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасига қуйидаги таърифни қўшиш мақсадга мувофиқ, яъни “Коррупцияга қарши курашиш – бу давлат бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг коррупциянинг олдини олиш (коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси); коррупцияга қарши жиноий-ҳуқуқий курашиш (коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш, фoш этиш, тергов қилиш); коррупция оқибатларини бартараф қилиш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни ўз ичига қамраб олган фаолияти”.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-бобини “Коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар тизими” таҳририда баён

этиш ҳамда тегишли равишда коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларни ўз ичига олган 16-27-моддаларини киритиш:

16-модда. Коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар.

Коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

- 1) коррупцияга қарши мониторинг;
- 2) коррупция хавфларини таҳлил этиш;
- 3) коррупцияга қарши маданиятни шакллантириш (коррупцияга қарши мурасасиз руҳни шакллантириш);
- 4) республика қонунчилигига мувофиқ юридик экспертиза ўтказилиши жараёнида коррупцияга мойил нормаларни аниқлаш;
- 5) коррупцияга қарши стандартларни шакллантириш ва уларга риоя этиш;
- 6) молиявий назорат;
- 7) манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва ҳал этиш;
- 8) тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олиш чоралари;
- 9) коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, тўхтатиш, очиш ва тергов қилиш;
- 10) коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар қилиш;
- 11) коррупцияга қарши курашиш тўғрисида Миллий дастурни шакллантириш ва эълон қилиш.

Гарчи Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” деб номланган бўлса-да, мазкур қонун мазмунида айнан қандай фаолият коррупцияга қарши курашишни белгилаши ёритилмаган, яъни унинг амалга оширилиш механизми ёритилмаган. Мисол ўрнида айтиш мумкинки, мазкур норма Қозоғистон Республикасининг 2015 йил 18 ноябрида қабул қилинган “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунида мавжуд.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 4-боби “Коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар” деб номланган бўлса-да, мазкур бобда коррупциянинг профилактикаси, унга қарши курашиш усуллари аниқ белгиланмаган, фақатгина қандай чора-тадбирларни амалга ошириш кераклиги мутахкамланган. Ваҳоланки, даставвал коррупцияга қарши курашиш усуллари санаб ўтилиб, сўнгра бу борада амалга оширилиши лозим бўлган чора тадбирлар белгиланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига бир қатор ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Энг аввало, коррупция билан боғлиқ жиноятлар профилактикасида самарали механизм сифатида юридик шахсларнинг жавобгарлик масаласига тўхаладиган бўлсак, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истамбул ҳаракатлар режасининг 4-раунд мониторинглари натижасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати олдида бир қатор тавсиялар қўйилган. Мазкур таҳлил натижаларининг 3-боб №30-сонли хулосасида хорижий давлатлар қонунчилиги ва тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда коррупция билан боғлиқ жиноятлар учун юридик шахслар жавобгарлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига киритиш тавсияси ҳам мавжуд [9].

Юридик шахсларнинг жавобгарлик масаласи АҚШ Жиноят кодекси (2.07-м.), Франция Жиноят кодекси (121-2-м.) да мустаҳкамланган. Шунингдек, Қирғизистон (26-м.), Молдова (21-м.) ва бошқа бир қатор давлатлар (Албания, Бельгия, Литва) Жиноят кодексларида юридик шахслар

субъект ҳисобланмаса-да, бироқ уларга нисбатан жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари қўрилиши мумкинлиги мустаҳкамланган.

Шу муносабат билан, ЖКга **юримдик шахсларнинг жавобгарлигига** оид нормаларн жорий қилиш масаласини кўриб чиқиш зарур.

Бунда юримдик шахсларга нисбатан қўидаги жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланиши мумкин: жарима, муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва давлат харидлари жараёнида иштирок этишни тақиқлаш (чеклаш).

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. <https://old.anticorruption.uz/uzc/item/2021/05/17/sogliqni-saqlash-vazirligi-tizimida-korrupsiyasiz-soha-loyihadini-amalga-oshirish-yuzasidan-otkazilgan-organish-natijalari>
2. Быстрова А., Сильвестрос М. Феномен коррупции: некоторые исследовательские подходы. <http://www.gumer.info>
3. Противодействие коррупции: как выстроить системный подход?. [www.insorrussia.ru/ru/news](http://www.insorrussia.ru/ru/news)
4. [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_82959/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_82959/)
5. <http://miid.gov.kz/ru/pages/o-protivodeystvii-korrupcii>
6. Максимов В.К. Понятие коррупции (криминологический аспект) и меры ее предупреждения в государственном аппарате. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук Москва-2005, 32 стр.
7. Роуз-Аккерман С. Коррупция и государство. Причины, следствия, реформы // Пер. с англ. О.А.Алякринского М., 2010. С.296.
8. <http://uza.uz/oz/programs/korrupsiya-zhamiyat-kushandasi/zbekiston-korrupsiyaga-arshanday-kurashmo-da-17-01-2019/>
9. Криминология: Учебник для вузов/Под общ. Ред. д.ю.н., проф. А.И.Долговой. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: «НОРМА-ИНФРА», 2002. – С. 575.
10. Коррупцияга қарши кураш тармоғи Истамбул Ҳаракатлар Режаси (ИХР) доирасида Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатларининг 2016-2019 йилларда коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ислохотлари Мониторинги [www.oecd.org/corruption/acn](http://www.oecd.org/corruption/acn).